

Япониялик Кайжининг Рамазондаги кундалик дастури



12:30 / 11.05.2021 1416

Бутун дунёда бўлгани каби, коронавирус пандемияси Кайжининг кундалик ҳаётига таъсир қилди. Кайжи бу йил кўп вақтини уйда ўтказди, аммо Рамазон шукуҳидан келиб чиқиб, у Токиодаги баъзи онлайн тадбирларда ва мусулмон ёшлар учун маблағ йиғишда қатнашди.

Япониядаги мусулмонлар диний озчилик бўлсалар ҳам, Рамазонни эркин ўтказадилар. Have Halal Will Travel туристик фирмасидаги япон мусулмони Рамазон ойида тутган рўзаси ҳақида гапириб берди:

«Рамазон муборак ойдир. Шу сабабли бутун дунё мусулмонлари, шу жумладан, Токиода яшовчи япониялик мусулмон Кайжи Вада Рамазонни ибодат қилиш ва шахсий ўсиш учун имконият сифатида ишлатишади.

Ҳар ой Рамазон ойида мен саҳарга эрталаб соат 3.30 атрофида уйғонаман ва мевали ёгурт ёки нато (соя фасулясидан ясалган анъанавий япон таомлари) каби фойдали озиқ-овқатларни истеъмол қиламан. Рамазонда кунлик ишим саҳарга туриш ва овқатланиш, кейин эрталаб намозга қадар бедор бўламан ва намоздан кейин озгина дам олиб ишимга кетаман. Кечқурун ифторлик қиламан, сўнгра масжидда намоз ўқиймиз.

Хуршид Маъруф тайёрлади